O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 27 APREL
SHANBA
№ 52 (26.911)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сейкен Сугиурани қабул қилди.

Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар жадал ривож топмоқда. Биргина савдо-иқтисодий соҳа олинадиган бўлса, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми икки баробар ошгани қайд этилди. Айни пайтда японияник ишбилармонлар кўплаб иқтисодий лойиҳаларимизда фаол иштирок этиб келмоқда. Лекин икки ўртада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам кам эмас.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликни бугунги аҳволи ҳамда истиқболи, ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН:

ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР



26 апрель куни Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахтимиздаги «Дўрмон» қароргоҳида Эрон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда аввал Президентлар яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамровли муҳокамаси бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан, террорчилик муаммоси, Афғонистонда барқарорликнинг мустаҳкамланиши иқтисодиётнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар муҳокама этилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг имкониятлари кўплиги, икки давлат ўз салоҳиятини тўлалигича ишга солиб, алоқаларни янги босқичга кўтарса, бундан нафақат Ўзбекистон ва Эрон, балки минтақадаги кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам фойда кўриши қайд этилди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон — Эрон иқтисодий ҳамкорлигининг салмоқли қисми транспорт коммуникацияси соҳасига тегишлидир. Ўзаро алоқалар, айниқса, шу соҳада кенг ривожланмоқда. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу борадаги кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. Ўзбекистон ҳудуди орқали эса ўтган йили Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилган.

Бевосита савдо-иқтисодий муносабатларга келсак, мамлакатимизда элликка яқин Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти тўлалигича Эрон ишбилармонлари сармояси ҳисобига барпо этилган ва асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 11 фоизга ошди.

Музокараларда бундай ютуқлар мамнуният билан таъкидланиб, эндиликда транспорт коммуникацияси билан бир қаторда, банк, молия соҳаларида, чегарадан ўтишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўзаро тўловларни соддалаштириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Мамлакатимиз жануби-шарқий Осиё минтақасига асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобаҳор портлари орқали чиқади. Айни пайтда Эронда йўл инфратузилмаларини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлар ниҳоясига етганидан кейин Ўзбекистонни денгизга олиб чиқадиган йўл минг километрга қисқаради.

Шунингдек, ҳозир Афғонистон орқали қатновларни йўлга қўйиш долзарб масалага айланган. Гап Термиздан Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эронга туташадиган йўл ҳақида кетяпти. Албатта, бу йўлдан биринчи галда Афғонистон катта фойда кўради. Минглаб одамлар ишга жалб этилади, каттакатта сармоя маблағлари ўзлаштирилади. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етганидан кейин Афғонистон транзит солиғи олиш билан бирга, катта миқдордаги иш кучини янги йўл инфратузилмасига жалб этиши мумкин.

Музокаралардан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, шу боис ҳам Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат ҳудудида халқаро транспорт коммуникацияси тизимининг янги тармоғи барпо этилишини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Афғонистон орқали ўтадиган йўлларнинг Ўзбекистон ва Эрон учун нечоғли фойдалилигини эса гапиришга ҳожат йўқ.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон ва Эрон Президентлари ўртасидаги музокаралар якуни юзасидан қўшма баёнотга имзо чекди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига тааллуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИ ЮЗАСИДАН

ҚЎШМА БАЁНОТ

Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларни ривожлантириш, икки давлат ва уларнинг халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2002 йилнинг 26-28 апрелида, ҳижрий 1381 йил ўрдибеҳешт ойининг 6-8 кунлари Эрон Ислом Республикаси Президенти жаноб Саййид Муҳаммад Ҳотамийнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Томонлар дўстона ва ўзаро тушуниш муҳитида бўлиб ўтган музокаралар давомида:

сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда муносабатларни ривожлантириш истагини изҳор этиб,

мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, ички ишларга аралашмаслик принципларига асосланган дўстлик ҳамда ўзаро тушуниш икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш асоси ва меъёри эканлигига амин бўлиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига ўз содиқликларини изҳор этиб,

икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг кенгайтирилиши минтақада ва жаҳондаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишларини тасдиқлаб, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ўзаро манфаатларга жавоб беришини тан олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси дўстона, тенг ҳуқуқли ва мустақил давлатлар сифатида суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига амал қилиб, икки томонлама муносабатларни ривожлантирадилар.

2. Томонлар Марказий Осиё хавфсизлигининг бўлинмаслигини тасдиқлаб ва умумэътироф этилган халқаро чегараларни ҳурмат қилиб, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида минтақа даражасида яқиндан ҳамкорлик олиб борадилар.

3. Томонлар суверенитет, бошқа Томоннинг ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ва дўстона муносабатлар принципларига мувофиқ бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларнинг олдини оладилар. Томонлар ўз ҳудудларида бошқа Томонга қарши қаратилган фаолиятга йўл қўймайдилар. Томонлар икки томонлама асосда ва БМТ доирасида халқаро уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар контрабандаси, терроризм, фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши бўлган ҳаракатлар ва товарлар контрабандасига қарши курашда ҳамда бу таҳдидларга қарши ҳаракатларнинг кенг қамраб олинган тизимини яратиш бўйича ҳамкорлик қиладилар.

4. Томонлар халқаро ташкилотлар ва саммитлар доирасида ўз нуқтаи-назарларини мувофиқлаштириш мақсадида фикр алмашадилар ва ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

(Давоми 2-бетда)

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ИҚТИСОДИЁТ ЭРКИНЛИГИ НИМА?

«Бу, аввало, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишдир».

Ислом КАРИМОВ

ИЛК ОДИМЛАР

Таъкидлаш жоиз, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида ўзгаришлар юз бермоқда. **Биринчидан**, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Тадбиркорликни рағбатлантирувчи, уни кафолатлайдиган кучли тизим яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар учун солиқ тўлов тизимига сезиларли даражада енгиллик киритилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисоб юритиш, ҳисобот бериш тартиблари қисқартирилди, соддалаштирилди.

Иккинчидан, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди. Тадбиркорлик эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини накд ҳолда тижорат банкларидан олиш муаммоси ҳал қилинди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди, амалиётга татбиқ этиш жараёнлари бошланди.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини моддий техника ресурслари билан таъминлаш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишга ёрдам бериш ишлари яхшиланмоқда. Товар-хомашё биржаси, майда улгуржи савдо дўконлари ва бошқа савдо таъминот тизимлари фаолияти жонланди.

Тўртинчидан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнес инкубаторлари иши фаоллашди. **Бешинчидан**, Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилгач, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари ва назорат идораларининг асоссиз аралашувларидан ҳимоя қилиш ишлари ижобий натижалар бера бошлади.

Мухтасар қилиб айтганда, бу натижалар тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўрта бизнесни **эркинлаштириш меваларидир**. Эришилган бу ютуқлар соҳага тегишли қонунчиликни эркинлаштириш, тадбиркорларга турли хил имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш каби муҳим чоралар сирасига киради.

(Давоми 2-бетда)

«USAID» ГРАНТИ СОҲИБИ

Денов туман «Ёшлар ва аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ахборот маркази» ташкил этилганига бир йил бўлди. Шу қисқа вақтда марказ АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги — «USAID»нинг 4637 АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлди.

— Юртимиз тобора ривожланиб бормоқда, — дейди марказ директори Гулзода Авазова. — Бунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳиссалари бор, албатта. Мақсад — хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини халқаро талабларга мос равишда шакллантиришдир.

Америка халқаро ривожланиш агентлиги «Winrock international» ҳомийлигида эса «Комила» хабарномасининг илк сони нашрдан чиқди. Хабарнома хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

— Режалар улкан, — давом этади директор. — Яқинда «USAID» халқаро ривожланиш агентлигининг таклифи билан Америкага бормоқчимиз. Океанорти мамлакатида кўплаб нодавлат-нотижорат ташкилотлар ишлари билан танишамиз ва тажриба алмашамиз. Ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН!

«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Мамлакатимизнинг турли жойларидан таҳририятга келаётган хат-хабарлар орасида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳам оз эмас. Биз уларнинг айримларини баҳоли қудрат ўрганиб, газетамизда ёритишга ҳаракат қилаяпмиз. Қолган аризаларни эса кўриб чиқиш учун вазирлик, ҳокимлик ва бошқа тегишли идоралар ҳамда ташкилотларга юбораяпмиз.

Пойтахтимиздаги турли идораларга ҳам аризалар келаётгани табиий, қабулхоналарда эса ҳар куни навбат кутиб турган кишиларни кўрамиз. Улар, у ёки бу раҳбар қабулига кириш, дардини, саволини, таклифини айтиш учун узоқ-яқиндан йўл босиб келишган. Лекин пойтахтга келиш ҳаммага ҳам осон эмас, албатта. Чунки, бу масала, энг аввало, вақт ва маблағга бориб тақалади.

Юртдошларимизни ана шу ташвишлардан халос этиш, мушкулини енгиллаштириш мақсадида вазирликлар, қўмиталар ва республика миқёсидаги бошқа идоралар раҳбарлари билан **«Сиртқи қабул соатлари»** ўтказишга қарор қилдик.

Дастлабки учрашувни Адлия вазирлиги раҳбарияти билан ўтказишни режалаштирдик. Вазирлик раҳбарияти фуқароларимизнинг саволларига жавоб беришга тайёр эканликларини билдирди.

Шундай қилиб, азиз газетхон, сиз ўзингизни ташвишга солаётган муаммолар хусусида Адлия вазирлиги раҳбариятига савол бериш, таклиф ва мулоҳазаларингизни айтиш имкониятига эгасиз. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нотариат идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бюролари, адвокатура... қўйингки, Адлия вазирлигига дахлдор барча савол ва таклифларингизни йўллашингиз мумкин.

Саволлар, таклиф ва мулоҳазалар ёзма равишда 15 майгача таҳририятга йўлланиши ёки 133-12-56, 133-44-55 рақамли телефонлар орқали аниқ ва лўнда ҳолда баён этилиши лозим.

Сизларнинг савол ва таклифларингиз вазирлик раҳбариятига тақдим этилади ва ўрганиб чиқилгач, жавоблар газетамизда эълон қилинади.

Азиз муштарийлар! «Сиртқи қабул соатлари» сизни кутади.

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

МУЗОКАРА САМАРА БЕРМАДИ

Сухумида бўлиб ўтган Грузия-Абхазия музокаралари натижасиз якунланди. Бу ҳақда Абхазия ҳукуматининг матбуот котиби Зоир Цвижба хабар берди. «Музокараларда бир қадам ҳам олға силжиш бўлмади, — дейди Абхазия бош вазири Анри Жергения. — Негаки, Грузия ўзининг қуролли бўлинмаларини Кодорск дарасидан олиб чиқиб кетмас ва мониторингни таъминламас экан, Абхазия бу борада бирор-бир масалани кўриб чиқмайди».

Зоир Цвижбанинг сўзларига қараганда, Кодорск дарасида 900 нафар қуролли ҳарбий бор. Грузия вакиллари «улар чегарачилар, заҳирадагилар», дея изоҳ беришмоқда. Бироқ уларнинг барчаси қуролланган ва Грузия Мудофаа вазирлигига бўйсунади.

ЯПОНИЯ ВОСИТАЧИЛИК ТАКЛИФИ БИЛАН ЧИҚДИ

Фаластин — Исроил ўртасидаги иҳтилофларни юмшатиш ва дўстона музокаралар ўтказишни ташкиллаштириш учун Япония воситалик хизматини таклиф этди. Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи, тинчлик музокаралари Японияда ўтказилишига чақирмоқда. Кавагучининг айтишича, бу борада Япония имкониятлари ўта юқори баҳоланаётгани йўқ, балки бу мамлакатнинг ўзига хос жиҳати бор, яъни у Фаластин — Исроил можаросида бетарафдир. Шунинг учун ҳам бу ерда амалга оширилган музокаралар яхши самара бериши мумкин.

ҲАРБИЙ БАЗАДА ПОРТЛАШ

Туркия жандармериясининг ҳарбий базасида содир бўлган портлаш натижасида уч киши ҳалок бўлди. Бир неча киши яраланган, улардан икки нафари оғир аҳволда.

Портлаш Анқара шаҳри атрофидаги ҳарбий базада жанговар қурол-аслаҳаларни машинага юклаётган пайтда эҳтиётсизлик туфайли юз берган.

КУТИЛМАГАНДА БОЗОРНИ «БОСИШДИ»

Афғонистон раҳбарияти мамлакатдаги йирик гиёҳвандлик бозорини тор-мор этди. Бу ҳақда Afghan Islamic Press агентлиги хабар тарқатди. Агентлик манбаларида қайд этилишича, Жалолободдан 45 километр узоқликда жойлашган Шинвардаги Ғани-Хел бозоридан 4 тоннага яқин героин хомашёси мусодара қилинган. Гиёҳвандликка қарши кураш операцияси кутилмаганда бошланган ва бозордаги сотувчилар ўз молларини ҳеч қаёққа яширишга улгуролмай қолишган. «Муваққат ҳукумат вакиллари қанча опиум мусодара қилишганини аниқ билмайман, лекин ҳар бир қопи 7 килограммдан бўлган 600 қопга яқин опиумни мусодара қилишганини кўрдим» дейди операция-га гувоҳ бўлганлардан бири.

Мазкур операция Афғонистон адлия вазирининг ўринбосари Муҳаммад Ашраф Разўғли БМТнинг Венадаги конференциясида Афғонистондаги опиум марказларини йўқ қилиш учун вақт беришини сўраб мурожаат этганидан сўнг бир ҳафта ўтгач амалга оширилди.

Гиёҳвандликка қарши кураш тадбирининг бир кўринишидир бўлмиш бозордаги бу операция курашнинг бошланиши, деди у.

САМОЛЁТ ЙЎҚОЛДИ



Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги Ассам штатида «МиГ-29» қирувчи самолёти йўқолганлиги ҳақида хабар тарқатди. Унинг бортида икки учувчи бор эди. Аслида бу қирувчи самолёт 20 апрелда йўқолган. Қидирув ишлари натижа бермаяпти. Самолёт қўшни Бутан ҳукумати ҳудудидаги тоғларга урилиб, ёниб кетган бўлиши мумкин, деган тахминлар ҳам илгари сурилмоқда. Ҳиндистон ҳукумати қидирув ишларини олиб бориш масаласи бўйича Бутан раҳбариятига мурожаат этди

ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН:

ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Матбуот анжуманида Ислом Каримов Эрон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама алоқалар, балки минтақавий интеграция ривожида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эрон томони эса ушбу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси деб атади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон — Эрон муносабатлари ҳуқуқий асосининг бойиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Эрон дунёда юзага келаётган янги шароитда янгича муносабатларни қарор топтирмоқда.

Эронлик олий мартабали меҳмон пойтахт марказидаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Муҳаммад Ҳотамий улуғ саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечирар экан, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларни тиклаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Соҳибқирон номи билан аталувчи музейнинг бунёд этилиши ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Эрон Президенти ўз ташрифи доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясида шарқшунос олимлар билан учрашади. Учрашувда «Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши» мавзуида гап боради. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИ ЮЗАСИДАН

ҚЎШМА БАЁНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Баённомани амалга ошириш учун Томонлар ташқи ишлар вазирлари ва уларнинг ўринбосарлари даражасида мунтазам равишда ўзаро қизиқиш уйғотадиган халқаро ҳамда икки томонлама муаммолар бўйича маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

5. Томонлар халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик даражасидан қониқишни изҳор этиб, бундай ҳамкорликни шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти(ЭКО)да мустаҳкамлаш заруратини тасдиқлайдилар.

6. Томонлар икки мамлакатнинг минтақада тинчликни ва барқарорликни қўллаб-қувватлашга бўлган иродаларини тасдиқлаб, минтақавий муаммоларни ҳал қилишда фақат тинчлик воситаларини қўллашга ва минтақавий кўп томонлама муносиб механизмлар яратиш йўлидаги ўзаро маслаҳатлашувларни давом эттиришга интилишларини ифодалайдилар.

7. Томонлар ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш миллий, минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига хизмат қилишини таъкидлайдилар.

8. Томонлар афғон муаммосини сиёсий ҳал қилиш жараёнининг бошланишини ижобий баҳолаб, тинчлик ва барқарорликни ўрнатишда кўмаклашиш бўйича, шунингдек Афғонистонда тикланиш жараёни, шу жумладан бу мамлакатга инсонпарварлик ёрдамини беришда биргаликдаги ҳамкорликнинг миқёсини кенгайтирадилар.

9. Томонлар савдо-иқтисодий соҳада эришилган натижаларнинг муҳимлигини белгилаб ва ўзаро қизиқишидан келиб чиқиб, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва икки томонлама савдо айирбошлаш ҳажмларини оширишнинг зарурлигини таъкидлайдилар, бундай ҳамкорликни енгиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қулай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишда кўмаклашадилар.

10. Томонлар банк соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашадилар ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш учун икки мамлакат банклари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришнинг зарурлигини таъкидлайдилар.

11. Томонлар икки мамлакатнинг хўжалик субъектлари ўртасида савдо, ишлаб чиқариш, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширишга кўмаклашадилар.

12. Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида илгари эришилган аҳдлашувларга риоя қилиш, шунингдек, зарур икки томонлама ҳужжатлар пакетини тайёрлашнинг муҳимлигини тасдиқлайдилар.

13. Томонлар икки мамлакатнинг транспорт коммуникацияси ва транзит соҳасидаги ҳамкорлигининг муҳимлигини эътиборга олиб, шунингдек, бу соҳада эришилган аҳдлашувларни бажаришнинг зарурлигини тасдиқлаб, темирйўл, ҳаво ва автомобиль транспорти соҳасида бир-бирларига энг қулай режимларини яратиб, транспорт ва транзит ташишларининг имкониятларини кенгайтиришни таъминлайдилар.

14. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Эрон Ислом Республикаси ҳудуди орқали халқаро денгиз коммуникацияларига олиб чиқадиган, жумладан, Тежент-Сарахс-Машҳад-Бандар-Аббос транспорт-коммуникация тизими орқали, шунингдек, Эрон Ислом Республикасининг Марказий Осиё ва Хитой бозорларига Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чиқиши учун транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш даражасини такомиллаштириш ва ошириш истагида эканликларини баён этмоқдалар.

Томонлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан Эрон Ислом Республикаси ҳудуди орқали халқаро денгиз коммуникацияларига олиб борувчи Афғонистондаги мавжуд йўлларни таъмирлаш ва тиклашда иштирок этиш истагини ифодалайдилар.

15. Томонлар икки мамлакат ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш иккала мамлакатнинг манфаатларига жавоб беради, деб ҳисоблайдилар.

16. Ўзбекистон Республикаси «Тамаддунлараро мусоҳаба» лойиҳаси тўғрисида Эрон Ислом Республикаси томонидан илгари таклиф қилинган ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Томонлар тамаддунлараро мусоҳаба, ўзаро тушуниш принципларида ва инсониятнинг осуда ҳаёт кечириши принципларига асосланган жаҳон тартибини тузишнинг муҳимлигини эътироф этадилар.

Ушбу ҳужжат икки мамлакат Президентлари томонидан Тошкент шаҳрида 2002 йил 26 апрелда, ҳижрий 1381 йил ўрдибеҳешт ойининг 6 кунида икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва форс тилларида имзоланди, иккала матн бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.КАРИМОВ

Эрон Ислом Республикаси номидан
Эрон Ислом Республикаси Президенти С.М.ҲОТАМИЙ

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ИҚТИСОДИЁТ ЭРКИНЛИГИ НИМА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хўш, мамлакатимиз томонидан яратилган бу эркинликлар қандай самара бераяпти? Соҳада бугунги кунда аҳвол қандай? Мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланаяпмиз?

Тан олиш керак: ҳозир амалга оширилаётган тадбирлар талаб даражасидаги самараларни бераётгани йўқ.

Биринчидан, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги салмоғи ҳанузгача паст даражада қолмоқда (жадвалга қаранг)

Кўрсаткичлар	2001 Ўзбекистонда	2001 Тараққий этган мамлакатларда
Кичик ва ўрта бизнеснинг		
• ЯИМ даги салмоғи	24,5	60-70
• Банд бўлганлар сонидаги салмоғи	53,0	70-80
Хусусий тадбиркорликнинг		
• ЯИМ даги салмоғи	35,0	50-60
• Банд бўлганлар сонидаги салмоғи	30,0	65-70

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМ даги салмоғи 24,5 фоизни, банд бўлганлар сонидаги салмоғи 53 фоизни ташкил қилса, тараққий этган мамлакатларда эса ялпи ички маҳсулотнинг 60-70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳисобига яратилмоқда. Шу билан бирга бу соҳа меҳнатга лаёқатли аҳолининг 75-80 фоизини иш билан таъминлаётир. Масалан, бугунги кунда АҚШда 8 миллион, Японияда 5, Италияда 3 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта корхоналарнинг мавжудлиги бунинг тасдиғидир.

Агар республикамизда ҳар йили меҳнат ресурсларининг кўпайиши ўртача 200-230 минг кишига тўғри келаётганини ҳисобга олсак, яқин йилларда 50 нафар ходимдан иборат юз мингта кичик ва ўрта корхона ташкил этилиши зарурияти пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида бир неча миллион кишиларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш имконини беради.

Иккинчидан, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳали ишлаб чиқариш соҳасида етакчи мавқега эга бўлолганича йўқ.

Бунга сабаб, бизда кўп тадбиркорлар фақат олдисотди билан машғул. 2002 йилгача республикада рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта корхоналарнинг атиги 10,5 фоизи саноат, 6,3 фоизи қурилиш, 1,0 фоизи транспорт ва алоқа тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Ваҳоланки, бизда кичик ва ўрта корхоналарни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида, жумладан озиқ-овқат, енгил, маҳаллий саноат тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида ва хомашёни қайта ишлаш тармоқларида кенг ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шуниси ачинарлики, бугунги кунда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган меванинг атиги 15 фоизи, сабзавотнинг 10, полиз маҳсулотларининг 5, узумнинг 23, жуннинг 15, гўштнинг 25, сутнинг 5 фоизи қайта ишланаяпти. Бу рақамлар 60 фоиздан кўпроқ аҳоли яшаётган қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг битмас-туганмас имконияти борлигидан дарак эмасми? Халқнинг қанчадан-қанча бойлиги, мулки, имконияти бесамара ётганини кўрсатмайдими?

Қиёс учун рақамларга эътибор қилинг: АҚШда атиги 2, Германияда эса 5 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, аҳолини озиқ-овқат билан тўкин-сочин таъминламоқда. Боз устига, умумий етиштирилган маҳсулотнинг 30 фоизидан ортиқроғини хорижга сотяпти. Бизда эса 40 фоиздан ортиқ аҳоли қишлоқ хўжалиги билан банд бўлсада, хориждан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиняпти.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Иқтисодиётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қатъий чоралар кўриш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда бу тармоқларни уларнинг қўлоёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан холос этиш — бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак»** — дея куюниши боиси ҳам шунда.

Хўш, айнан шу масаланинг кун тартибига такрор-такрор қўйилаётгани нима билан изоҳланади? Унинг ҳанузгача долзарблигича қолишига сабаб нима? Сабаблар кўп: субъективлари ҳам, объективлари ҳам бор.

ТЎСИҚЛАР, ҒОВЛАР...

Эркинлаштиришнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган энг катта ғов — аввало, онгимиздаги асоратлар: лоқайдлик, таъмагирлик, мансабпарастлик каби иллатлар. Ҳолбуки, бугунги кун жамиятда яшаётган ҳар бир фуқародан теварак-атрофда кечаётган воқеликка нисбатан фаол муносабатда бўлишни тақозо этмоқда.

2001 йилда республикада «Ижтимоий фикр» маркази томонидан мамлакатимиз вилоятларидаги 3991 нафар тадбиркор, шу жумладан, 1075 нафар кичик микрофирма, ўрта бизнес, 2916 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида сўров ўтказилди. Сўровга 164 та туман, 22 та шаҳар жалб этилди. Жалб қилинган тадбиркорларнинг 3108 нафари қишлоқ жойларида, 883 нафари эса шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти билан банд кишилар эди.

Натижалар тадбиркорлик соҳасида эркинлаштириш олдида турган қатор тўсиқ ва ғовларнинг мавжудлигини кўрсатди: 37 фоиз тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни эркинлаштиришга ҳамма учун бир хил шароит туғдириб берилмаган, деб баҳолашди. Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич 54,6 фоизни, Тошкент шаҳрида 58,9, Қорақалпоғистон Республикасида эса 60,2 фоизни ташкил қилди. Жойларда коррупция (таъмагирлик, пора)нинг мавжудлиги тўғрисида банк тизимида 7,6 фоиз респондентлар тез-тез, 17,2 фоиз эса онда-сонда учраб туради, деб жавоб берганлар. Бу кўрсаткичлар милицияда тегишли равишда 5,6 ва 15,8 фоизни, солиқ тизимида — 5,2 ва 17,0, шаҳар ҳокимиятида — 0,9 ва 4,8, туман ҳокимиятларида — 1,5 ва 8,7, прокуратурада — 2,7 ва 10,8, божхонада — 3,9 ва 10,3, санитария хизматида эса 2,4 ва 10,2 фоизни ташкил қилди. 12,5 фоиз тадбиркорлар маҳаллий ҳокимият томонидан ғайриқонуний ҳолда улар фаолиятларига аралашиб келаётганликларини айтишган бўлса, 19 фоиздан ортиқ тадбиркор товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фаолиятидан қониқмасликларини таъкидлашди. Бу кўрсаткич Бухоро вилоятида — 39,8 фоизга, Наманганда эса 36,7 фоизга етди. 10,5 фоиздан ортиқ тадбиркорлар деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятидан норозиликларини билдиришди. Масалан, (Бухоро вилоятида 25,3, Сирдарё вилоятида 18,8 фоиз).

Булардан ташқари тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг саъй-ҳаракатларини минг бор «чиғириқ»дан ўтказишга «интилувчилар» қанча?! Давлат идораларидаги айрим амалдорларнинг «валломат»-ликлари-чи? Солиқ, санитария, ички ишлар, божхона идораларига ўрнашиб олган баъзи ходимларнинг «зийрак»ликлари-чи? Эгаллаб турган лавозими даражасида туриб, тадбиркорлик жараёнидаги ҳар бир қадамга шахсий «илинж» билан боқувчи амалдорлар борки, буларнинг ҳаммаси эркинлаштиришга, ривожимизга айни тушов ва тўғаноқлардир.

Шу ўринда бир тадбиркорнинг арзи-додига қулоқ солинг.

— Тўсиқлардан яна бири — расмиятчилик ҳаддан зиёд кўп. Масол учун мен туман марказидаги бозорда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман. Савдо шаҳобчамнинг патенти ўз номимда. У ёқ-бу ёққа чиққанимда, ёхуд (иссиқжон, иситмасиз бўлмайди!) касал бўлиб қолсам, ўғлимми, турмуш ўртоғимми савдо қилса, солиқчилар келади-да, жарима солишади. Нима эмиш, мумкинмасмиш...

Ёки карвонсаройлар, улгуржи бозорлардан мол олиб келамиз. Йўлда ЙПХ ходимлари тўхтатишади, сифат сертификатини сўрашади. Нусхасини кўрсатамиз: «Йўқ, бўлмайди! Асл нусхаси керак!» Уларга: «асл нусха улгуржи бозорида — бизга мол сотган кишида» қолишини тушунтириб кўринг?!

Хўп, бир амаллаб тушунтирдик ҳам дейлик. Сўнг чек, лицензия сўрашади, кўрсатамиз. Барибир қўйиб юбормайди: ҳам вақт кетади, ҳам асаб.

Бу битта тадбиркорнинг арз-доди. Ваҳоланки, бугунги кунда мамлакатимизда 200 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 1820 минг деҳқон хўжаликлари, 45 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, 1500 мингдан ортиқроқ ширкат хўжаликларидаги пайчиларни кўз олдингизга келтиринг! Қонунни менсимаслик, хўжалик фаолиятига асоссиз аралашиш — **биринчидан**, ишлаб чиқаришга зарба берса, **иккинчидан,** изланиш ва ташаббуснинг йўлини тўсади. **Учинчидан,** тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлади. Биласиз, бу зарарларни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Шу боисдан ҳам Президентимиз **«Булар бюрократик тўсиқлар эмасми? Бунинг устига, ҳар бир ҳисобот бланкаси учун ҳақ тўлашни айтмайсизми?»,** — деган эдилар ёниб, куюниб.

ДАЪВАТ-КУ ЯХШИ! АМАЛИЙ ИШ — УНДАН-ДА ЯХШИ!

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир кунда бўладиган иш эмас. У — ўта мураккаб ва кўп қиррали жараён. У нафақат ишлаб чиқарувчилар билан давлат ўртасидаги муносабатларга, балки меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини қай даражада кенгайганлигига, эркинлашганлигига ҳам боғлиқ.

Хўш, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш коэффициенти қай даражада? Вилоят, туман ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъект миқёсида бу умумлаштирувчи кўрсаткичнинг «ҳарорати» қандай? Иқтисодиётимизни эркинлаштиришдаги саъй-ҳаракатларимиз янада самарали бўлиши учун нималар қилмоқ керак?

Бунинг учун, назариядан амалиётга, Президентимиз таъкидлаганидек, **қуруқ даъватлардан амалий ишга** ўтмоқ пайти келди. Эркинлаштириш жараёнини сўзда эмас — амалда, аниқ рақамларда амалга ошаётганини аниқлаш лозим. Яъни, иқтисодиётни эркинлаштириш даражасига ташҳис қўйиш, аниқроғи, унинг статистик кўрсаткичларини ҳисоблаш жоиз.

Бу кўрсаткичлар тизими, наздимизда, Юртбошимизнинг иқтисодиётни эркинлаштириш тушунчасига берган таърифига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашининг «Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига кўра ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ жойларида иқтисодиётни эркинлаштириш даражасини ўрганиш мақсадида «Диққат: бандлик!», «Сиз қандай яшаяпсиз?», «Қишлоқда эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш учун нималар қилиш керак?» деган сўровлар билан аҳолининг холисона фикрини билиш ҳам фойдадан холи бўлмасди.

Банк соҳасида эркинлаштириш қай даражада бораётганлигини ўрганиш мақсадида «Банк фаолиятини эркинлаштириш учун нималар қилиш зарур?», рақобат даражасини таҳлил қилиш учун эса «Туманда, қишлоқда ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатчилик қай даражада?», туман ҳокимлари, корхона ва муассасалар раҳбарлари иш услубларини ўрганиш мақсадида «Сиз раҳбар фаолиятидан қониқасизми?» деган сўровлар ўтказиш ҳам ижобий самаралар бериши, шубҳасиз. Банклар томонидан берилаётган кредитларнинг ставкалари, муддатларининг мувофиқлик даражаси ва имтиёзли кредитлар кўлами, соғлом ва носоғлом рақобат нисбати, раҳбар рейтинги каби муҳим жиҳатлар ўз баҳосини олса ёмон бўлмасди.

Шундагина, эркинлаштириш жараёнларини даъватлар билан эмас, балки бевосита амалий иш билан жадаллаштириш имкониятига эга бўламиз.

■ **Ёрқин АБДУЛЛАЕВ,**
Тошкент молия институти проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.



ТОЙЛОҚ — ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ТУМАН

Тойлоқ — мустақиллик тенгдоши. Бундан роппароса 10 йил муқаддам — 1992 йилнинг апрель ойида ташкил топган туман халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ўсди, улғайди. Айниқса, ғаллачилик ривож топди, сабзавотчилик авж олди, мевачилик тўкин бўлиб, чорвачилик ўсди. Зеро, туман айни шу соҳаларга ихтисослашди. Янгиянги қурилиш ҳавозаларининг ва тикланаётган ирригация-мелиорация иншоотларининг ҳаддини олди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимларида катта ўзгаришлар юз берди. Одамларнинг иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзида моддий, маънавий ва маданий юксалиш сари одимлар ташланди.

Бугунги кунда бу ердаги юзга яқин катта-кичик посёлкалар ва қишлоқларда 28 миллат вакиллардан иборат 135 минг аҳоли истиқомат қилади. Тинч-тотув ва яратувчанлик меҳнати билан банд туман аҳли ўзларининг ўн йиллик тўйларига муносиб меҳнат тухфалари билан келдилар. 2002 йил халқ хўжалиги режаларининг дастлабки 4 ойлик топшириқлари бекаму кўст адо этилди.

Шу кунларда ғаллачилик ва сабзавотчилик пайкалларида, боғу роғларда, чорвачилик фермаларида ва пилла қурти парвариш топаётган хонадонларда ҳаёт қайнамоқда. Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган 5 та йириқ саноат корхонаси тўла қувват билан ишлаб турибди. Замининнинг тарихи қадимги замонлардан, соҳибқирон Амир Темур салтанатларидан ўчмас ҳикоятлар сўйлагувчи «Давлатобод», «Боғизағон» боғларида миришкору соҳибкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Туманда 500 га яқин деҳқон-фермер хўжаликлари ўз тасарруфидаги экин майдонларидан бу йил ҳам 2-3 марта ҳосил олишни кўзлашган.

— Тойлоқ — вилоятимизнинг тобора кўрк очиб, камол топиб бораётган туманларидан, — дейди туман ҳокими Жамшид Ашуров. — Шу йилнинг ўзида бу ерда яна бир замонавий мактаб, соғлиқни сақлаш муассасаси, солиқ инспекциясининг молия бўлими, халқ банки, меҳнат бандлик бўлими, спорт коллежи каби қатор замонавий мажмуалар қад ростлади. 100 га яқин маданий-маиший иншоотлар халқ хизматида. Худудда ўтмиш аждодларимиздан ал-Дорамий ас-Самарқандий, Тойлоқ ота, Банди-Кушот ота, Қавс ота, Хўжа Соққий Вали бобо, Низомиддин Хомушдар зиёратгоҳлари ободонлаштирилиб, янги мақбаралар бунёд этилди. Амир Темур музейи қуриб ишга туширилди...

✧✧✧

Суратларда: *Тойлоқ ва тойлоқликлар ҳаётидан манзаралар.*

■ **Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

ТЕАТР — ИБРАТХОНА

Пойтахтнинг Талабалар шаҳарчасидаги маданият саройи республикамиз олий ўқув юртларидан келган ёшлар театр студияси билан гавжум бўлади. Бу ерда санъатни севган ижодкор талабалар ўзлари тайёрлаб келган саҳна асарини намойиш қиладилар.

Кеча навбат Самарқанд давлат университети талабаларига берилди. Улар «Беҳбудий» шеърий тарихий трагедиясини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди. Бир лаҳзада мозий уйғонди. Қуллик кишанлари ичра инграётган Туркистон ва унинг маърифат дарғалари саҳнада пайдо бўлдилар. Жадидларнинг етакчиларидан бири ХХ аср бошида миллатни зиёга чорлаган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг илтижолари томошабинларни ҳайратга солди. Асарни постановкачи режиссёр Бурхон Исломов саҳнага қўйган. Мусиқа раҳбари ва хормейстер Жаводбек Козимов. Талабалар томонидан ижро этилган роллар ғоят ишонарли, самимий талқин этилган. Айниқса, бош қаҳрамон ролини ижро этган Жаҳонгир Ҳайдаров олқишга сазовор бўлди. Талабалардан Феруза Ибодова, Шуҳрат Санокулов, Искандар Абубакировларнинг ижро маҳорати юқори баҳоланди. Ёшларимизнинг бетакрор ижро услублари, истеъдодлари саҳна узра намоён бўлди. Бир сўз билан айтганда театр — ибратхона. У ерга кирганлар эса ибрат оладилар.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўртачирчиқ туман партия кенгашининг туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорлиги кўп йиллардан бери давом этмоқда. Улар томонидан биргаликда ўтказилган учрашувлар, «давра суҳбатлари», семинар, тадбирлар бунга мисол бўла олади. Шу кунларда, туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан, Бутунжаҳон «Гёрл-гайд» қизлар ассоциацияси Ўзбекистон миллий бўлимининг уюшмаси иш бошлади. Ассоциацияга аъзо бўлган бир ярим мингга яқин қизлар орасидан 100 нафари Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш истагини билдирди. Мазкур туман партия кенгаши, яқинда, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, ёшларни истиқлол руҳида тарбиялашда фаол иштирок этаётган 35 кишидан иборат, бир гуруҳ фахрийларни тақдирлаш маросимини ўтказди. Тадбирда ХДП МК масъул ходими С.Қурбонов ва Тошкент вилоят кенгашининг котиби Н. Тоировлар иштирок этдилар.

ХДП **Асака шаҳар кенгаши,** «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўтказган, «Жамият, ислоҳот ва Ватан равнақи» мавзуидаги, маданий-маърифий тадбирда тумандаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари, жамоат ташкилотлари фаоллари қатнашдилар. Унда Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети доценти М. Шотурсунов тадбир мавзуида маъруза қилди ва йиғилганларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берди.

ХДП **Шаҳрихон туман кенгаши,** туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда, «Найнаво» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Огоҳлик — давр талаби!» мавзуида, фаоллар йиғилиши ўтказди. Йиғилиш қатнашчилари халқаро терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш масалалари юзасидан, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, йиғилишда ўзини ўзи бошқариш органлари ва ХДП ташкилотларининг атроф-муҳитни муҳофазалаш масалаларда ҳамкорлиги юзасидан мунозаралар ҳам бўлиб ўтди.

Жондор туман кенгаши, «Қишлоқларимизни ободонлаштирайлик!» шиори остида, «Манғит», «Дарвеши» қишлоқларида, амалий ҳаракатга давъат этувчи, экология муаммоларига бағишланган, партия фаоллари йиғилишларини ўтказди.

Зомин тумани Ш. Рашидов номли маҳалла бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан, «Иймонни улуғлар Наврўз!» мавзуида, байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда меҳнат фахрийлари ва партия фаоллари — М.Ишенко, Т.Тўйчиева, Ф.Очиловлар ХДП Зомин туман кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Байрам санъаткорлар иштирокида ўтди ва маҳалла аҳлида катта таассурот қолдирди.

ХДП **Вобкент туман кенгаши,** туман ҳокимлиги маданият бўлими билан ҳамкорликда, кўп йиллар кутубхоналарда ишлаб, қарилик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ва партия фаолларини дастурхон атрофидаги «давра суҳбати»га таклиф қилди. Суҳбат давомида тажрибали кутубхоначилар бугунги кун талабига жавоб берадиган кутубхоналар, уларни фуқароларни дунёқарашини шакллантириш, сиёсий онгини оширишдаги ўрни тўғрисида фикр алмашдилар. Тадбир якунида бир гуруҳ партия фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Олий Мажлиснинг VIII сессиясида кўриб чиқилган масалалар жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов ҳамда Сирғали туман кенгашларининг ҳамкорликда ўтказган навбатдаги «котиблар соати» бошланғич партия ташкилотларининг сессия якунларидан келиб чиқадиган галдаги вазифаларига бағишланди.

Йиғилиш музокарага бой бўлди. Тошкент шаҳар кенгаши депутати В.Кузеванов, «Янги ҳаёт» маҳалла оқсоқоли Х.Абдуманнопов, Бош кийимлар фабрикаси технологи З.Раҳимова, Тошкент халқаро аэропорти бошланғич ташкилоти котиби З.Илҳомов, I-Мурувват уйи бош тарбиячиси Ф.Раҳмонова, Сирғали тадбиркор аёллар уюшмаси раиси С.Эшонқулова, шаҳар Кенгаши депутати Қ.Зикиров ва «Тешикқопқоқ» маҳалла бошланғич ташкилоти котиби З.Ғуломовлар сессия ҳужжатларини жойларда кенг тарғиб этиш, партия фаолиятини янада жонлантириш учун барчани фаолликка чақирдилар.

Шу билан бирга икки туман партия ташкилоти фаоллари ўз фаолиятларидаги мавжуд камчиликлар юзасидан батафсил фикрлашдилар, тажриба алмашдилар.

■ **Фотима РЎЗИЕВА,**
ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши иккинчи котиби

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

МАКЕДОНСКИЙ КЎПРИГИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ УШБУ КЎПРИК НЕГА ШУНДАЙ АТАЛАДИ?

Тарихни ўрганиш, билиш инсон фарзандида ўзи туғилиб ўсган юртни ардоқлаш, ундан фахрланиш туйғусини уйғотади. Ватани ўтмиши, қадим аждодлари билан ғурурланган одамгина ўз келажагини ёрқин тасаввур қила олади. Маданияти мавҳум миллатнинг келажаги хусусида ёруғ гап айтиш қийин.



Сурхондарёни Термиз — Душанбе магистрал йўли кесиб ўтади. У воҳани дунёнинг барча мамлакатлари билан боғлайди. Ана шу йўлнинг сўл тарафи, аниқроғи, Қумқўрғон тумани ҳудудида битта кўприк жойлашган. Сурхондарё аҳли уни «Македонский кўприги» деб атайди. «Чиндан ҳам уни Македонский қурганми? Йўқса, нега номи шунақа?» Бу жумбоқли савол ҳаммани қизиқтириши табиий.

Қизиғи шундаки, кўприк жойлашган қишлоқнинг номи ҳам Македон. Македонский лашкарларининг бу ўлкага оёғи етганлиги хусусида тарихдан яхши биламиз. Бироқ, бу кўприкнинг дунёни забт этган ҳукмдорга айнан тааллуқли жиҳати нимада? Тарихий манбаларга кўз югуртирайлик: кўприк XVI асрда, Абдуллахон даврида қуриб битказилган. Пишиқ ғишт билан тиклланган. Ҳар бирининг ўлчами 26х26х45 сантиметрга тенг. У Буюк ипак йўлидаги энг аҳамиятли кўприк саналган. Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистон билан ҳам савдо-сотиқ алоқалари шу кўприк орқали бўлган...

Табиийки кўприклар дарё устига қурилади, демак ўша пайтда бу ердан дарё оққан бўлиши мумкин. Буюк ипак йўли эса шу дарёни кесиб ўтган.

Таниқли олим Ртвеладзенинг «Санъатшунослик тарихи» китобидаги фикрларга таянсак, шундай хулосага келамиз: бу кўприк Абдуллахон давригача ҳам мавжуд бўлган, Буюк ипак йўли карвонларига хизмат қилган. Унинг Македонский номи билан аталишига келсак, қудратли саркарда худди шу жойда, дарё ўзанини тартибга солиш учун нов қурдирган, яъни бетон ётқизган. Шу сабабли, бу жойга илк бора Александр Македонский қўл ургани боис кўприк унинг номи билан боғланса керак.

Нима бўлган тақдирда ҳам кўприк — тарихий! У бизнинг тарихимиз, бизнинг қиёфамиз. Келажакка айтар сўзимиз... Кимгадир бу гаплар, дабдабали туюлар. Эй, дўст, шу ўринда бироз шошилманг. Ахир шу кезгача айримларимиз шундай фикр билан яшаганимиз боис кўплаб обидалар, зиёратгоҳлар, қутлуғ жойлар оёқ ости бўлди, йўқолиб кетди-ку! Биз бу билан нафақат тарих кўксини, балки ўз тасаввуримизни, келажагимиз тасаввурини ҳам жароҳатладик. Ўша, омонсиз кунлар, масжидлар, тарихий тепаликлар устига бульдозер солган шўро қатағонидан «жон сақлаб» қолган ўтмишнинг «тирик тимсоли» бўлиб турган обидаларни асраб қолишимиз бугун ҳаёт қадар заруратдир. Бундай дейишимнинг боиси бор. Шу кўприк ҳақида маълумот тўплаётганимни таҳририятда амалиёт ўтаётган талаба Анвар Самадовдан ўша ерда яшаётган Мирза Қобилов деган киши эшитиб, жуда севинибди. У киши 18-ўрта мактаб директори экан. Мирза аканинг айтишича, неча асрларни қариган ушбу кўприкнинг ғиштларини айрим кишилар ўпириб, ташиб кеташаётган эмиш. Тарих қаровсиз ҳолда. Маҳаллий раҳбарлар эса кўприкни таъмирлаш у ёкда турсин, атрофини ўраб, назорат қилиш зарурлигини ҳаёлига келтиришмаяпти.

Эллик йил ўтар, юз йил ўтар. Биздан кейинги авлодлар обидалар ғиштини уйига ташиб кетган, текислаб ўрнига маккажўхори ёки тарвузқовун эккан боболари ҳақида қандай фикрга боришади? Чунки, цивилизация, тараққиёт руҳиятимизни ишғол қилаётган бизнинг асримизда инсоният барибир ўз тарихи, ўз илдизидан баҳра олгиси келади. Сокинлик, улуғ ўтмишнинг бетакрор бунёдкорлигини ҳис қилгиси келади. Чунки, одамзот цивилизациядан безиб боради. Буни дунё фани эътироф этаяпти. Шунча асрларнинг қорёмғирига, дўлига чидаш берган тарихий кўприк ғиштлари кимнингдир оғилхонаси ёки бошқа нобоп жойда тахланса, буни қандай баҳолаш мумкин? Юртимизда ҳали қаламга олинмаган (балки қаровсиздир) тарихий жойлар кўп. Ҳар бир туман, қишлоқда бор. Улар бизнинг бебаҳо мулкимиз.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида қаровсиз ётган, бағрига не-не синоатларни яширган кўприк мисолида, вилоятда бундай жойлар борлигини айрим мутасадди раҳбарлар инобатга олиб қўйсалар, яхши бўларди, деган хулосага келдик. Европа давлатларининг бирига сафар қилган Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов нуфузли музейда ойнаванд ичидаги биргина сопол синиғини махсус кўрикчилар қурол билан қўриқлаб турганини айтган эди. Сабаби аён — бир вақтлар ўз аждодлари ясаган сополга, яъни тарихга эҳтиром намунаси. Шу ўринда ўз-ўзидан: «Биздачи?» деган савол туғилади...

Бу саволга биргалашиб жавоб ахтарсак, ўзимиз учун чуқур хулосалар чиқариб олармидик?

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ОБ-ҲАВО

ДАРЁ СУВИНИ БАҲОР ТОШИРАР...

Кўпдан буён баҳор бу йилгидек серёғин, инжиқ келмаган эди. Деярли ҳар кун ёмғир, баъзида кеча-ю кундуз тўхтамай қуяди. Бизнинг иқлим учун бу ҳолат маъқулми? Ё яна қанча давом этар экан?

Таҳририятга узлуксиз келаётган шу хилдаги саволларга жавоб олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Бошгидромет» бошқармаси бош синоптиги Ирина Зайцевага мурожаат қилдик.

— Сўнгги эллик йил давомида апрель ойи 18 марта шу йилдагидек серёғин келган. Бизнинг минтақага бундай об-ҳаво қанчалик хос ёки аксинча эканлиги хусусида хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Ярим аср мобайнида ҳозирги апрелникига ўхшаш об-ҳаво тўрт марта — 1979, 1987, 1990 ва 1993 йилларда кузатилди. Аксинча, сўнгги уч йилда, апрель ойи ҳаддан ташқари қуруқ келиб, ўртача ойлик ёғин миқдори ярим меъёрга ҳам етмай қолди.

— Бу йилги апрель ойида қанча ёғингарчилик бўлди? Бундай ҳисоб-китоб кўпчиликни қизиқтиради...

— Марҳамат, 1 апрелдан 24 апрелгача республикамиз бўйича меъёрдагидан 1,2-2 бараваргача кўп ёғингарчилик бўлди. Тошкентда эса меъёрдаги 57 мм. ўрнига 73 мм. ёмғир ёғди. 21-22 апрель кунлари шу даврдаги ёғинлар миқдори ва сурункалилиги бўйича энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Пойтахтимизда бир кеча-кундузда 39 мм. ёки ойлик норманинг ярмидан зиёд ёғингарчилик бўлди.

— Эндиги об-ҳаво қандай бўлади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз?

— Апрелда офтобнинг чарақлаб кетишини илҳақ бўлиб кутаётганлар бизнинг маълумотларидан бироз ранжиши мумкин. Чунки, қўлимиздаги мавжуд барча маълумотлар беқарор об-ҳаво ой охиригача сақланиб туришидан далолат бераяпти. Қисқа муддатли ёмғир ва момақалдироқлар бўлиши, баъзан улар кучайиши ҳам кутилмоқда. Ора-сирада ҳаво очилиб кетса-да, ҳар лаҳзада унинг авзойи ўзгариб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Баҳор ҳавоси-да!

■ **Суҳбатдош:**
Бобо САРОИЙ

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ЗАҲАРЛИ ЗАМБУРУҒЛАР

Уч киши замбуруғдан заҳарланиб, бевақт оламдан ўтди. 14 нафар бемор эса шифохоналарда даволаняпти.

Вафот этганларнинг энг кичиги Меҳринисо эндигина 4 ёшга тўлган экан... Даладан териб келинган замбуруғларни иштаҳа билан еган Раҳимовларнинг 4 нафари ҳозир Қизилтепа шифохонасида ётибди. Жажжигина қизалоқнинг ҳаётини эса сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.

Ўша куни замбуруғ яна бир оиладаги икки қизилтепаликнинг умрига зомин бўлди. Шодмоновлар оиласи учун оппоқ замбуруғ ана шундай қора кунни олиб келди.

Ҳозир Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг токсикология бўлимида замбуруғдан заҳарланган 9 нафар фуқаро даволанмоқда.

— Оиламиз билан «Спутник-16» яқинидаги даладан териб келган замбуруғларни истеъмол қилгандик, — дейди Сирғали тумани, «Спутник-2», 22-уй, 2-хонадонда яшовчи Пўлат Охунов. — Эрталабга бориб кўнгил айниб, ўзимизни жуда ёмон сеза бошладик ва «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилдик. Мана, уч кундан бери барча оила аъзоларим — хотиним, 3 нафар фарзандим, қайинсинглим ва жияним билан бирга шифохонадамиз.

— Қариндошларимиз Сурхондарёдан келаётиб, Самарқанд йўлида қўзиқорин сотиб олишган экан. Қовуриб едик. Меҳмонлар кетишгандан сўнг кўнглим айниб, ўзимни лоҳас сездим. Шундан сўнг бу ерга тушдим. Меҳмонларга нима бўлди, билмайман, — дейди «Бешёғоч» даҳаси, 20-уй, 38-хонадонда яшовчи Холбиби Шомуродова.

«Спутник» даҳаси, 6-мавзе 32-уй, 3-хонадонда яшовчи Муроҳ Чориев эса томорқасидаги замбуруғни истеъмол қилибди.

— Бироздан сўнг совқотиб, қалтирай бошладим, — дейди у. — Аҳволим оғирлашавергач, касалхонага олиб келишди.

— Қўзиқоринларни биз уч турга бўламиз, — дейди врач-токсиколог Неъмат Эшбоев. — Еса бўладиган, тозаланиб, қовурилса истеъмолга ярайдиган ва заҳарли, умуман истеъмол қилиниши мумкин бўлмаган. Лекин қўзиқорин ва замбуруғлардан заҳарланиш кўпайган ҳозирги пайтда уларни истеъмол қилмаган маъқул. Аслида қўзиқорин таркибида организм учун фойдали витаминлар йўқ ҳисоби. Замбуруғдан заҳарланишнинг дастлабки аломатлари шуки, одам лоҳасланади ва ҳолдан тойиб, ётиб қолади. Бундай пайтда тезда шифокорга мурожаат қилиш керак. Йўқса жигар зарарланади, беморнинг ранги сарғайиб кетади, иштаҳаси йўқолади. Ва бу охирокибат ўлимга олиб келади.

Бу йил об-ҳавонинг серёғин келиши сабабли замбуруғлар мўл бўлди. Бозорларда, йўл бўйларида, ҳатто пойтахтдаги метро бекатлари ёнида ҳам сотилмоқда. Лекин юқоридаги маълумотлар уларнинг нақадар хавфли эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу боис назаримизда кўчакўйда, бозорларда қўзиқорин ва замбуруғлар савдосининг қаттиқ назоратини йўлга қўйиш ёки бу маҳсулотлар савдосини тақиқлаш лозимга ўхшайди.

Энг аввало, ҳар бир одам бундай нохушликлардан огоҳ бўлиб хулоса чиқармоғи керак, деб ўйлайман.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯШНАЙВЕРИНГ, УМИД НИҲОЛЛАРИ!

СПОРТ

Фарғонадан махсус мухбирларимиз Алишер ИБОДИНОВ ва Эркин ХОЛБОБО хабар қиладилар.

Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларида ўлкамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган 1918 нафар мактаб ўқувчиси иштирок этмоқда. Спортнинг кураш, волейбол, белбоғли кураш, футбол, қўл тўпи, шоҳмат, енгил атлетика, сузиш, стол теннриси, баскетбол, теннис турлари бўйича ўзаро баҳслашаётган ёшлар учун шарт-шароитлар муҳайё.

Ферузабону РЎЗИАЛИЕВА, Олтиариқ туманидаги 4-мактабнинг 4-синф ўқувчиси:

— Қишки ва баҳорги таътил чоғида «Умид ниҳоллари»нинг мактаб босқичида қатнашдим. Устозларимиз раҳбарлигида қўлимизда гуллар билан мусобақа машъаласига пешвоз чиқиб билдимки, биз ёшлар учун бу мусобақа— спорт байрами экан. Очилиш маросими, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Аброр АБДУРАҲМОНОВ, шоҳмотчи, Ховос туманидаги 10-мактабнинг 10-синф ўқувчиси:

— Бундай йирик мусобақада биринчи бор қатнашишим. Терма жамоамиз илк учрашувни хоразмлик тенгдошлар билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Улар ютқазган тажрибаси-да, бизга омад тилашди. Дўстлашиб қолдик. Сирдарёга боргач, албатта бу ажойиб мусобақа таассуротларини тенгдошларимга сўзлаб бераман.

Шарофат ЕШМУРАТОВ, баскетболчи, Кўнғирот туманидаги 7-мактаб ўқувчиси:

— Саралаш босқичида республиканинг энг кучли жамоаси, деб топилгандик. Фарғонада эса барча кучлилар тўпланган. Биринчи учрашувда сирдарёликлар ўзларини тажрибали эканликларини намойиш этишди. Жамоамиз 27:49 ҳисобида имкониятни бой берди. Лекин бундан сира ранжиганимиз йўқ.

Ҳа, «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари кутилганидан-да қизиқарли, юксак савиянда ўтмоқда. Кимдир ютиб, кимдир ютқазяпти. Иштирокчилар юзида эса табассум.

***

Кеча кечқурун махсус мухбиримиз ўйинлардаги сўнгги янгиликни хабар қилди.

Ўзбек кураши бўйича ғолиблар аниқланди. 50кг. Исмоил Курбонов (Навоий), 55кг. Баҳриддин Саломов (Қашқадарё), 60кг. Аброр Чориев (Қашқадарё), 75кг. Рустам Авлиёқулов (Қашқадарё), 77кг. Фарҳод Сапаров (Қашқадарё), +77кг. Алишер Курязов (Бухоро).

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё бўйича — 87 очко, Сурхондарё — 2,(83 очко), Хоразм (67 очко).

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ —
БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
БАХТЛИ СОҲИБИ БЎЛИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!
Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!
Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:
- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Фалсафа кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Таржима назарияси, матншунослик ва манбашунослик кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Информатика ва информацион технологиялар кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Шарқ тиллари кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Туркиёт кафедраси, профессор, 1 ўрин; катта ўқитувчи,
1 ўрин.

Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, доцент, 1 ўрин.

Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси, доцент, 1 ўрин.

МДҲ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси. доцент, 1 ўрин.

Эрон-афғон филологияси кафедраси, доцент, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кунлан эътиборан бир ой ичида топшириши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза. 2. Шахсий варақа (фотосурат билан). 3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат. 4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

700047, ТОШКЕНТ, ШАҲРИСАБЗ (собиқ Лоҳутий) КЎЧАСИ, 25, ТЕЛ.: 133-44-36.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ПАВЕЛ (ҲАҚИҚИЙ ИСМИ – САВЛ) – ИУДЕЯЛИК ФАЙЛАСУФ, НАСРОНИЙЛИК ҲАВОРИЙЛАРИДАН БИРИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 1- ВА МИЛОДИЙ 67-ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

➲ ...Қонун қаҳрни келтириб чиқаради, чунки, қонун бўлмаса, жиноятлар ҳам йўқ.

➲ Сабрдан — тажрибалилик, тажрибалиликдан — умид.

➲ Бир кишининг жинояти барча инсонларга таъна бўлганидай, бир кишининг ҳақлиги барча инсонлар ҳаётига оқловдир.

➲ Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтарма, барча одамлар олдида яхшилик хусусида қуйиб-пишма.

➲ Ҳар қайси одам олий ҳукмдорларга итоатгўй бўлсин; негаки, Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятлар Худодан. Зеро, бошлиқ Худонинг, сенинг фойдангга ишловчи, хизматкоридир. Агар ёмонлик қилаётган бўлсанг, қўрққин, чунки, у бежиз қилич тақиб юрмайди: Худонинг, ёмонлик қилувчилардан қасос олувчи, хизматкоридир.

➲ Ҳар биримиз ўзимиз учун Худо олдида ҳисоб берамиз.

➲ Агарда карнай ноаниқ овоз чиқарса, ким жангга ҳозирлик кўришга киришади?

➲ Қачонки мен заиф бўлсам, ўшанда кучлиман.

ЁҚУБ — ИУДЕЯЛИК ДОНИШМАНД, НАСРОНИЙЛИК ҲАВОРИЙСИ, ИСО МАСИҲНИНГ ШОГИРДИ ВА ИЗДОШИ. МИЛОДИЙ I АСРДА ЯШАГАН:

➲ ...Ким Каломни эшитиб, уни бажармаса, ўз чеҳрасининг табиий белгиларига кўзгуда қараётган кишига ўхшайди: у ўзига қаради-да, нари кетди — ва, бир зумдаёқ, ўзининг қандай эканлигини унутди.

➲ Худо эътиқоди бут бўлишга ва Уни яхши кўрадиганлар учун У ваъда қилган Салтанатнинг ворислигига дунёнинг камбағалларини танламаганмикан?

➲ Ким қандайдир бир нарсада гуноҳ қилса, у ҳамма нарсада айбдор бўлади.

➲ Агар кимки эътиқодим бору ишларим йўқ деса, бундан нима фойда, биродарларим? Ушбу эътиқод уни қутқара олиши мумкинми?

➲ ...Ҳар қандай йиртқичлар ва қушлар, судралиб юрувчилар ва денгиз ҳайвонларининг табиати бўйсундирилади ва одамнинг табиати билан бўйсундирилади, тилни эса одамлардан ҳеч кими бўйсундира олмайди; у — тўхтатиб бўлмайдиган ёвузлик; унинг турганбитгани — ажал уруғи. Унинг билан Худога шукр қиламиз ва унинг билан Худонинг ўзига ўхшатиб яратилган инсонларни лаънаталаймиз; бир оғизнинг ўзидан шукроналик ва лаънат чиқади. Бундай, биродарларим, бўлмаслиги лозим. Бир булоқнинг кўзидан чучук ва аччиқ сувнинг оқиши мумкинми?

➲ Сиз эртага нима бўлишини билмайдиганларсизлар: зеро, сизларнинг ҳаётингиз нима? Озгина вақтга пайдо бўлиб, сўнгра эса йўқоладиган буғ.

ДЕМОНАКТ — ҚАДИМГИ РИМЛИК ФАЙЛАСУФ. МИЛОДИЙ I АСРДА ЯШАГАН:

➲ Дўстингдан билган сирни, у билан душман бўлиб қолганингдан кейин, ошкор қилма. Сен душманингга эмас, дўстликка зарба берасан.

➲ Ҳеч нимадан умидвор бўлмаган ва ҳеч нимадан қўрқмайдиган кишини мен ҳур одам, деб ҳисоблайман.

➲ Қонунлар, яхши одамлар учун ҳам, ёмон одамлар учун ҳам, бефойдадирлар. Биринчилари қонунларга муҳтож эмаслар, иккинчилари қонунлар туфайли яхши бўлиб қолмайдилар.

ПЛУТАРХ — ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОНЛИК ЁЗУВЧИ, ТАРИХЧИ ВА ФАЙЛАСУФ. МИЛОДИЙ 46-127 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

➲ Уруш — ёвузлик; уни катта адолатсизликлар ва зўравонлик ёрдамида олиб борадилар, бироқ, виждонли одамлар учун урушда ҳам баъзи қонунлар бор. Агар у берадиган фойда пасткашлик ва жиноятлар йўли билан қўлга киритиладиган бўлса, ғалаба ортидан қувиш мумкин эмас. Буюк саркарда урушни бошқалар томонидан бурчга хиёнат қилиш эвазига эмас, балки, ўз жасоратига умид қилган ҳолда олиб бормоғи лозим.

➲ Кимга ҳокимият ишонилган бўлса, уларнинг хулқида намоён бўладиган кичик қусурлар ҳам катта бўлиб кўринадилар.

➲ Ким фаровонликда бўлишни хоҳласа, у муҳтожликда яшашни ўрганмоғи лозим.

➲ Энг қойилмақом ишларда яхши фазилат ёки ахлоқсизлик ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайди, бироқ, кўпинча, қандайдир бир бўлмағур қилиқ, сўз ёки ҳазил одамнинг қиёфасини, уларда ўн минглаб кишилар ҳалок бўладиган жангларга қараганда ҳам, яхшироқ намоён этади.

➲ Ҳамдардлик — ўзганинг бахтсизлиги хусусидаги қайғу, ҳасад — бошқанинг бахти хусусидаги алам.

➲ Ичиқоралик — ўзганинг қайғусидан ҳузур қилиш.

➲ Биронта ҳам айтилган сўз, кўплаб айтилмаган сўзларчалик, фойда келтирмаган.

➲ Ҳар бир имо-ишоранни такрорловчи дўстга муҳтож эмасман: буни менинг соям анчагина яхши бажаради.

➲ Кимлар мақтовга иштиёқманд бўлсалар, уларнинг хизматлари оздир.

➲ Иззат-икромлар феъл-атворларни ўзгартирадилар, аммо, яхши томонга — камдан кам.

➲ Инсондан ваҳшийроқ, ўзида ярамас эҳтиросларга ва ҳукмронликни мужассам этган, йиртқич йўқ.

➲ Бойлар ва шоҳлар фойласуфларга эҳтиром кўрсатиб, ҳам уларга, ҳам ўзларига ҳурмат билдирадилар, аммо файласуфлар, бойлар олдида хушомадгўйлик қилиб, уларнинг шуҳратини оширмайдилар, балки, ўзларини бадном қиладилар.

➲ Ҳар қандай адашиш ҳалокатли, аммо қаердаки унга эҳтирос аралашса, у икки карра ҳалокатлироқдир.

➲ Юнонларда ақллилар гапирадилар, аҳмоқлар ишни ҳал қиладилар.

➲ Катта хавф олдида ва қийин вазиятларда, оломон, одатан, ақлга мувофиқ нарсалардан эмас, балки, қандайдир унга зид нарсалардан нажот кутади.

➲ Худо, бу — довюрак учун умид, қўрқоқ учун оқлов эмас.

➲ Фикримча, қўрсликнинг ҳам, журъатсизликнинг ҳам манбаи битта — билимсизлик.

➲ Сен ғалаба қила оласан, аммо, ғалабадан фойдалана олмайсан.

➲ Зарур нарсага эҳтиёж билан бирга ва унинг ортидан ортиқчаликка иштиёқ келади.

➲ Яхши яшаш — жамоа ҳаёти билан яшаш демак.

➲ Шеърият — сўзлаётган тасвирий санъат, тасвирий санъат — сукутдаги назм.

➲ Агар ўлмасак, қирилиб кетардик.

➲ Ҳақиқат енгилмасдир, агар уни айта билсалар.

➲ Тўхтовсиз ўрганиб, мен кексаликка келаман.

➲ Юксак донолик, бу — фалсафий фикр юритиб, сафсатабозга ўхшамаслик ва ҳазил билан жиддий мақсадга эришмоқ.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

ШЕЪР ВА ШУУР

Маҳмуд ТОИРОВ

БУНЧАЛАР ГЎЗАЛ ЭКАН, БУ ҲАЁТ

Хуш келибсан, хушрўйгинам, хуморим,
Кимлар етиб, ким етмаган баҳорим.
Дарди борга дармон бўлиб келгансан,
Ғулга ўра юракдаги озорим.
Бўлбулда йўқ бўғзимдаги бу баёт,
Оҳ, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.

Уч ойгина кўзимизга меҳмонсан,
Қишни қувиб ўзинг ёзга мезбонсан,
Умр ғалат, келганки бор кетаркан,
О баҳорим, наҳот кузда хазонсан,
Сен армонсан, сен дармонсан, сен нажот,
Оҳ, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.

Соғинганим, соғинтириб келдингми,
Чиройингга сиғинтириб келдингми,
Онам қўлин қўмсаганди сочларим,
Сабо бўлиб бошгинамда елдингми,
Қўшиғимга, қувончимга бўл қанот,
Оҳ, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.

Қарғалар бор, кўрмоқ истар, заволинг,
Ёмонларни тутгай сенинг уволинг,
Менинг майсам, менинг ғунчам, чечагим,
О, баҳорим, кўргим келар камолинг,
Дилинг асра, гулинг асра, одамзот,
Оҳ, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.

✧✧✧

Кўнгил кўзи очилмаган ёронларим,
Баҳор келди, булоқларга бош урингиз.

Жилмайишдан орлангувчи жононларим,
Ялпиз кулган қирғоқларга бош урингиз.

Дарёдиллик ишқи сизни ўртаса гар,
Йўлин тўсманг ирмоқларга бош урингиз.

Одам тирик бу дунёнинг нури билан,
Чимрилмасдан чироқларга бош урингиз.

Янги либос қоматингиз кўрки эрур,
Вале кўҳна қуроқларга бош урингиз.

Тутунларнинг туманида юз йил учманг,
Осмон кўрки чақмоқларга бош урингиз.

Маҳмуд айтар кўнгилга доғ ойдан тушмас,
Офтоби бор ёноқларга бош урингиз.

КУЛИБ ЯШАСИН

Йиғлоқи йигитга тулпор на керак,
Қайтиб қад ростламас эгилган терак,
Кўз кулар, дил кулар, кулса бир куртак,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Ҳасад — ерда ётган хазонга ўхшар,
Иғво — чанг кўпчиган тўзонга ўхшар,
Яхшилар дуодан ёшариб яшар,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Чеҳрангга чиройдир кўнгил чироғи,
Изингда ибратдир элнинг ардоғи,
Қувонч — юрак чертган бахт қўнғироғи,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Вафо ваъдалардан илдиз олмайди,
Дарёдил савобдан сира толмайди,
Ҳам яна кулгуни қарзга олмайди,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Қўлларга қўр берар саломдаги нур,
Дунёга дур берар каломдаги нур,
Шодликнинг шаклидир Ватан бўлса ҳур,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Тонг отса ҳар кимга офтоб яхшидир,
Тунда Маҳмудга ҳам моҳтоб яхшидир,
Қувонч қадаҳ бўлса шароб яхшидир,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 70-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
64
8
87
23
42
83
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
30128450.2
50037594.2

2 ТУР
54
66
40
68
30
72
50
39
80

78
25
89
67
63
41
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
50358923.2
70145382.3

3 ТУР
59
48
18
9
11
1
19
77
90
22

49
82
36
32
43
53
15
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
20471834.3
60132561.2

4 ТУР
34
33
35
27
75
6
76
29
62

71
3
21
86
13
56
20
57
60
74
79
46
38
10
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
40255976.3
90357651.2

5 ТУР
24
4
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
30194364.2
70176251.3
80170275.3

6 ТУР
51
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
50097261.2
80037392.1

7 ТУР
55
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
30064898.3
70061738.3

8 ТУР
17
Сони: 5
Телевизор
Чипталар рақами
20030943.2
30343742.3
40072848.2
80361252.3
90207644.2

9 ТУР
85
Сони: 5
Сумма: 2000

10 ТУР
7
Сони: 10
Сумма: 1700

11 ТУР
12
Сони: 16
Сумма: 1500

12 ТУР
65
Сони: 24
Сумма: 1400

13 ТУР
70
Сони: 50
Сумма: 1300

14 ТУР
14
Сони: 70
Сумма: 1200

15 ТУР
84
Сони: 141
Сумма: 1100

16 ТУР
5
Сони: 166
Сумма: 1000

17 ТУР
73
Сони: 259
Сумма: 900

18 ТУР
61
Сони: 449
Сумма: 800

19 ТУР
37
Сони: 749
Сумма: 700

20 ТУР
88
Сони: 1153
Сумма: 600

21 ТУР
28
Сони: 1778
Сумма: 500

22 ТУР
16
Сони: 2593
Сумма: 400

23 ТУР
58
Сони: 4287
Сумма: 300

24 ТУР
26
Сони: 5741
Сумма: 300

25 ТУР
52
Сони: 8868
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 208
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
31, 44, 45, 47, 69, 81



«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 2 майдаги 71-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
2 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
3 ТУР – «Нексия» автомобили,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
6 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
қолган турларда пул ютуқлари.

Чипта баҳоси — 300 сўм

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Пул ютуқлари «Ўзуйжойжамғармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ОЛДИДАН

«МИНГ ОЙ УМР КЎРСАМ...»

У Андижон вилоятининг Избосканидан. Чорак асрдан кўпроқ ҳарбий хизматда бўлган, уруш даҳшатларини бошидан кечирган. Тўрт марта яраланган. Ҳарбий унвони — майор. Саёҳатга, овчиликка ихлоси баланд. Бормаган юрти, кўрмаган табиат гўшаси қолмаган, ҳисоб. Шунинг учунми, ҳаркалай борлиққа унинг ўз қарашлари бор. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан инсон ҳаётини муқоясалаб, фалсафий хулосалар чиқаради.

— Агар инсон кўрпачада ёнбошлаб, ўтган кунларини эсласа, билингки, бу қарилик белгиси, борди-ю, келажак режаларини тузса — унинг навқиронлигидан нишонадир, — дейди тажрибали овчи Ғофур Жўраев. — Дейлик, икки киши деразадан атрофни томоша қилаяпти. Улардан бири кўчанинг лойлигини кўриб, машиналарнинг шовқинини эшитса, иккинчиси мусаффо осмонни, ям-яшил дарахт баргларини кўради, чумчуқларнинг чуғурлашидан завқланади. Демак, биринчиси — «пессимист», иккинчиси — «оптимист». Узоқ умр кўриш учун эса «оптимист» бўлиш даркор. Йиғласангиз ҳам, кулсангиз ҳам кун ўтаверади. Зеро, кулиб-кулдириб, яхшилик қилиб яшашга нима етсин.

Шундай унинг мушоҳада қилишича, ҳар бир халқнинг яшаш шароити, дунёқараши, феъл-атвори унинг маданиятида ўз ифодасини топади. Бир хил кийиниш, бир хил фикрлаш, мусиқа ва ашуланинг бир хиллиги ўта зерикарли. Ҳаётга ҳавас, муҳаббат қолмайди. Агар ранг-баранглик, гўзаллик бўлмаса руҳсизлик юзага келади. Ер юзига фақат лола эмас, ҳаммаёқни қизартиб юборсак, камалак ранглар товланишига ўрин қоладими?

«Москва остоналардаги жангларда қатнашиб, Берлингача тўрт маротаба жароҳатландим, — деб эслайди овчи. — Берлин Рейхстаги деворига «Ўзбекистонлик Жўраев» ёзувини қолдириб, 39 ёшимда ногирон сифатида пенсияга чиқдим. Аммо, нолиш йўқ. Боиси, яшаш яхши».

Овчилик ва табиат гўзаллиги ҳақида у ўзининг кундалик дафтарида қуйидаги қайдларни қоралаган.

«Яна овимизни давом эттирдик. Илҳом яна битта машқни отди. Шароф ака шундай яқиндан учиб чиққанлари бўлса ҳам бирон марта ўқ узмадилар.

— Шароф ака, нега отмадингиз? — дедим.

— Баҳор фаслида бу қушчани отиб олиш шартми? Менга гўшти эмас, гашти кифоя, — деб жавоб бердилар».

«Бургут ҳамласидан қочиб, мендан паноҳ излаган какликни қафасда боқишни лозим кўрдим. Шунда оврўпалик овчиларнинг ўзига хос қоидалари ёдимга келди: «Агар ухлаб қолган ёки писиб ётган қуёнга дуч келсанг, уни отиш мумкин эмас, аввал уни уйғотиб, жойидан қўзғатиш ва унга ҳам қутулиш имкониятини бергандан кейин отиш мумкин. Сув ичиб турган кийикларни отиш ҳам ман этилади. Африкада ҳайвонлар бир жойга сув ичгани келишганда бир-бирига тегмайди. Ҳатто шундай ҳоллар бўладики, илонлар билан сичқонлар қишни битта инда ўтказишади. Шулар ҳақида ўйларканман, какликни учириб юборишга аҳд қилдим».

— 1947 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топганда мен нима учундир ширин ҳаёлларга берилгандим, — деб эслайди Ғофур ака. — Ўзбекистон ҳам БМТга аъзо бўлармикин, деб орзу қилиб юрибман. Мустабид замонда бундай фикрлар хом хаёл эканини кейин фаҳмлаганман. Армонларим мустақиллик даврида рўёбга чиқди. Фақат шукр дейман. БМТга чин маънода аъзомиз. Давлатимизнинг обрў-эътибори кун сайин ортиб бормоқда, юртимиз гўзаллашгандан гўзаллашмоқда, фарзандларимиз, ёшларимиз гуркираб вояга етмоқда. Ҳозир эса 80 дан сакраб турибман. Бир ниятим, насиб қилса, минг ой умр кўриб, 84 ёшга етсам. Ўзбекистонимизнинг янада обод ва порлоқ кунларига етсам, дейман.

■ **Мирзо АНВАР**

«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖ

Акциядорларнинг умумий йиғилиши 12.06.2002 йил соат 14.00 да ОАЖ маъмурий биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Молия-хўжалик фаолиятининг 2001 йил якуни юзасидан «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. 2001 йилнинг бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
4. 2001 йил якуни бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш ва маълумот.
5. Тафтиш ҳайъати ҳисоботи.
6. Ҳисоб қилинган дивидендлар ва уларнинг тўлов муддатини тасдиқлаш.
7. Ҳар хил масалалар.

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ кузатув кенгаши.

Тел.: 34-05-75, 34-06-26.

«ГАЗАВТОМАТИКА» ОАЖ

Акциядорларнинг умумий йиғилиши 20.06.2002 йил соат 14.00 да ОАЖ маъмурий биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Молия-хўжалик фаолиятининг 2001 йил якуни юзасидан «Газавтоматика» ОАЖ директори ҳисоботи.
2. 2001 йилнинг бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
4. 2001 йил якуни бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш ва маълумот.
5. Тафтиш ҳайъати ҳисоботи.
6. Ҳисоб қилинган дивидендлар ва уларнинг тўлов муддатини тасдиқлаш.
7. Ҳар хил масалалар.

«Газавтоматика» ОАЖ кузатув кенгаши.

Тел.: 72-87-71, 72-36-29.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-72-83
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Tursunali O'RMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA